

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САФАРОВ МУРТОЗА АБСАЛОМОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА БЕҲИНИНГ АСОСИЙ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Table of Contents of doctor's philosophy dissertation abstract (PhD)
on agricultural sciences**

Сафаров Муртоза Абсаломович

Сурхондарё вилояти шароитида беҳининг асосий зараркунандалари
биоэкологиясини ўрганиш асосида уларга қарши кураш тизимини ишлаб
чиқиш.....3

Сафаров Муртоза Абсаломович

Разработка системы борьбы против основных вредителей айвы на основе
изучения их биоэкологии в условиях Сурхандарьинской области.....21

Safarov Murtoza Absalomovich

Development of a control system based on the study of the bioecology of the main
pests of beech in the conditions of the Surkhandarya region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САФАРОВ МУРТОЗА АБСАЛОМОВИЧ

**СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА БЕҲНИНГ АСОСИЙ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Qx1035 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси иши Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шукуров Хушвақт Мамасалиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Торениязов Элмурот Шерниязович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Рахмонова Мадина Кимсанбоевна
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Фалсафа фан доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника мфй, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н. Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

Ф.М. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к/х.ф.н., профессор

Ж.Х. Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонини ошиб бориши озиқ-овқат маҳсулотларига ва хом ашёларга бўлган талабни янада кўпайишига олиб келмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни доимий таъминлаш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда зараркунандалардан ҳимоялашнинг замонавий технологиялари асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган муқобил технологияларни излаб топиш зарурати бугунги кунда долзарб муаммога айланмоқда. «Зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5% ни ташкил этади». ФАО (2020) маълумотларига кўра, дунёда йилига қарийб 696 минг тонна беҳи ҳосили етиштирилмоқда. Шундан 77,48% Осиёда, 5,14% Европада, 6,6% Америкада ва 10,59% Африкада. 77 минг гектар майдонни беҳи эгаллайди. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Туркия биринчи ўринда (189 минг тонна), ундан кейин Хитой (112 минг тонна), Ўзбекистон (96 минг тонна) ва Эрон (87 минг тонна), Марокаш, Аргентина, Озарбайжон, Ливан, Сербия¹. Беҳининг ҳосилдорлиги 110–350 ц/га, ҳар бир дарахтдан 35–90 кг гача ҳосил олинади.

Дунёда беҳи боғларга зарар берадиган зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш майдони, зарар бериш муддатлари ва зарарлилик даражаларини ўрганиш, иқтисодий хавф миқдор мезонини (ИХММ) ишлаб чиқиш ва зараркунандаларга қарши агротехник, кимёвий, биологик ва микробиологик кураш чора тадбирларини синовдан ўтказиш бўйича дунёнинг етакчи олийгоҳлари ва илмий марказларида кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

“Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги 2023 йил 28 январдаги халқаро конференциясидаги Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятларга эга эканлиги, қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мамлакатимизда озиқ-овқат базасини яратишига катта имконлар борлиги таъкидланган. Беҳи боғларини парваришlashда бир қатор муаммолар вужудга келиб, ҳосил сифатини ва ҳажминини пасайтирмоқда. Зараркунандаларнинг таъсирида беҳи боғларида ҳосилдорликни ўртача 25-30% гача камайиши кузатилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган беҳи Беларус Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Туркменистон, Чехия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси кенгашининг 2021 йил 25-ноябрдаги “Яшил макон” 1563- IV сон чора-тадбирлари умуммиллий дастури доирасида белгиланган вазифалар ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹FAO. The state of food and agriculture climate change, agriculture and food security. Rome. 2016 Bigenc.ru/c/aiva-2020

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимиз шароитида боғ зараркунандалари ва уларга қарши кураш тадбирларини ўрганиш юзасидан дастлаб А.Ф.Радеский, И.В.Василев, И.А.Севастьяновлар тадқиқотлар ўтказишган. Марказий Осиё шароитида А.Д.Архангелский коксидларнинг 14 тури, М.Н.Нарзикулов ўсимлик шираларининг 20 дан ортиқ тури, З.И.Стрункова ўргимчакканаларнинг 34 тури мевали боғларга зарар келтиришини асослаб беришган. Шунингдек, В.И.Плотников, В.В.Яхонтов, Р.О.Олимжонов, К.И.Ларченко, Б.Н.Адашкевич, З.К.Одилов, Х.Р.Мирзалиева, Х.Х.Кимсанбоев, Т.Атамирзаева, А.У.Сагдуллаев, Ў.Набиев, С.Дўсманов, А.Х.Юсупов, Х.Шукуров ва бошқа олимлар боғ зараркунандалари биоэкологияси ҳамда уларга қарши уйғунлашган кураш тадбирлари бўйича тажриба ишларини амалга оширган.

Лекин, Сурхондарё вилояти шароитида беҳининг асосий зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш чоралари ва бошқа усуллар устида илмий тажрибалар олиб борилмаган ҳамда уларни ишлаб чиқаришга такомиллаштириб жорий қилиш борасида етарли ишлар қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий ишнинг лаборатория ва дала тажрибалари Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида «Боғ ток, цитрус экинларини зарарли организмларига қарши кураш» бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2021-2023 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Сурхондарё вилояти шароитида беҳи боғларида асосий зараркунандаларнинг тур таркиби, тарқалиши, уларнинг зарари, биоэкологик хусусиятлари ва доминант турларни аниқлаш ҳамда табиий кушандаларини ўрганиш асосида қарши кураш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилояти шароитида беҳизорларининг асосий зараркунандаларининг тур таркиби ва уларнинг доминант турлари, биоэкологик хусусиятлари ва зарар келтириш даражасини аниқлаш;

Сурхондарё вилояти беҳизорларида асосий зараркунандаларнинг табиий кушандалари, уларнинг тур таркиби, зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамиятини аниқлаш;

зараркунандалар сонини камайтиришда агротехник чора–тадбирларни ўрнини белгилаш ҳамда замонавий кимёвий ва биопрепаратларнинг самарадорлигини баҳолаш;

барча ҳимоя чора тадбирларини қўллаган ҳолда такомиллашган ҳимоя

қилиш тизимини ишлаб чиқиш.

Сурхондарё вилояти шароитида беҳизорларни зараркунандалардан химоя қилиш учун қўлланилган тадбирларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти. Беҳи дарахти ва навлари ҳамда унинг асосий зараркунандалари олма қурти – *Laspeyresia (Cydia) pomonella L.*, олма яшил шираси – *Aphis pomi De Geer.*, Калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus Comst*), оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae Koch.*)

Тадқиқотнинг предмети сифатида беҳи боғларни асосий зараркунандалардан химоя қилишда илмий асосланган агротехник, кимёвий, микробиологик ва биологик воситалар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида кенг фойдаланиладиган усул ва услублар ёрдамида бажарилган. Энтомологик ҳисоблар ва кузатувларни Г.Э.Бей-Биэнко аниқлагичлари ёрдамида; зараркунандаларнинг зичлиги, учраши, доминантларини аниқлашда К.Фасулати услублари; фойдали ҳашаротлар сони С.Н.Алимухамедовнинг услублари асосида аниқланган. Ҳашаротларнинг зарарлилик даражаси В.И.Танцкий услуби бўйича аниқланган. Агротоксикологик тажрибаларни К.А.Гар, Ш.Т.Хўжаев услубига мувофиқ ўтказилган. Беҳи боғларини қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан химоя қилиш тажрибаларини Н.А.Глушенков, В.З.Пашенко, Н.В.Успенская услублари ёрдамида, шунингдек, дала ва лаборатория тажрибаларида биологик самарадорликни ҳисоблаш назорат вариантини инобатга оладиган W.C.Аббот формуласига мувофиқ аниқланган. Қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги А.Ф.Ченкин услуби асосида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Биринчи марта Сурхондарё вилояти шароитида беҳизорларнинг асосий зараркунандаларининг 2 та синф, 4 та туркумга хос, 7 оилага мансуб 10 тури ва доминант турлари ажратиб олинган ҳамда уларнинг биоэкологик хусусиятлари ва зарар келтириш даражаси аниқланган;

Сурхондарё вилояти шароитида беҳида асосий зараркунандаларнинг тухум қўйиш динамикаси ва пуштдорлиги аниқланган;

Сурхондарё вилояти шароитида беҳининг асосий зараркунандалари доминант турларининг авлод бериши аниқланган;

биринчи марта Сурхондарё вилояти шароитида беҳининг асосий зараркунандаси олма мевахўрининг фойдали ҳарорат йиғиндиси ўрганилган;

Сурхондарё вилояти беҳизорларида асосий зараркунандаларни табиий кушандаларининг 6 туркумга оид, 9 оилага мансуб, 15 турининг зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамиятига баҳо берилган;

барча химоя чора тадбирларини қўллаган ҳолда такомиллашган химоя қилиш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Беҳи зараркунандалари орасида олма қурти – *Laspeyresia (Cydia) pomonella L.*, олма яшил шираси – *Aphis pomi De Geer.*, Калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus Comst*) ва оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae Koch.*) асосий доминант тур зараркунандалар

эканлиги ва табиий кушандалардан 6 туркумга оид, 9 оилага мансуб, 15 тури кўп учраши аниқланган.

Сурхондарё вилоятининг беҳи боғларида зараркунандалар сонини камайтиришда агротехник чора–тадбирларни ўрни белгиланиб ва замонавий биопрепаратлар Престиж препарати (*Bacillus thuringiensis* тирик бактериялари) 3,0 л/га сарф миқдорида қўлланилганда 71,6–75,3% гача; Биослип БВ препарати 3,0 л/га сарф миқдорида қўлланилганда 70,5–74,8%, Биослип БТ препаратини 2,0 кг/га қўлланилганда эса 71,9–75,8% биологик самарадорликка эришилган;

Сурхондарё вилояти шароитида беҳизорларни зараркунандалардан химоя қилиш учун қарши қўлланилган кимёвий препаратлар Танго, 50% с.д.г. (*Pimetrozin*) 0,5 кг/га 91,5%, Карате кадам 5%, эм.к. (*lambda-cyhalothrin*) 0,4 л/га 89,1%, Нурелл микс, 55% эм.к. (*Supermetrin-chlorpyrifos*) 1,0 л/га қўлланилганда 89,1–90,3% гача биологик самарадорликка эришилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда республикамизда ва хорижий давлатларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинганлиги, лаборатория ва дала тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, ўтказилган илмий тажрибаларни статистик таҳлил қилинганлиги, соҳа бўйича олимларнинг услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келганлиги, тўпланган хулоса ва натижалар мутахассислар томонидан маъқулланганлиги, амалиётга жорий этилганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Сурхондарё вилояти шароитида беҳи боғларига зарар берадиган асосий зараркунандаларни ўрганилганлиги, зараркунанда ҳашаротларнинг асосий доминант турлари тарқалиш ареали, биоэкологик хусусиятлари, фенологияси ва асосий зараркунандаларнинг зарар келтириш даражасини аниқланганлиги ҳамда табиий кушандаларнинг зараркунандалар миқдорини камайтиришдаги ўрни ва нисбати билан изоҳланади.

Беҳи агробιοοценозид асосий зараркунандаларга қарши фаол кураш чорасини қўллаш учун уларнинг иқтисодий хавф миқдор мезони (ИХММ) аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Сурхондарё вилоятининг беҳизорларида асосий зараркунандаларга қарши беҳи дарахтларини химоя қилишнинг: агротехник, биологик, микробиологик ҳамда кимёвий усулларини қамраган уйғунлашган тизимини такомиллаштириб, янги юқори самарали, атроф муҳитга кам зиён етказувчи тадбир–чоралари билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё вилояти шароитида беҳининг асосий зараркунандалари биоэкологиясини ўрганиш асосида уларга қарши кураш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Беҳи боғларини парваришлаш ва уни зараркунандалардан химоя қилиш чора тадбирлари” мавзусидаги илмий тавсиянома ишлаб чиқилган ва

тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 3–июлдаги 05/06–04-305–сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва кластерлар учун қўлланма сифатида хизмат қилади.

Сурхондарё вилояти шароитида беҳи боғларда – микробиологик препаратлардан Престиж (*Bacillus thuringiensis* тирик бактериялари) 3,0 л/га, Биослип БВ (*Beauveria bassiana OPB-09*) 3,0 л/га, Биослип БТ (*Bacillus thuringiensis*) 2,0 кг/га, препаратларини қўллаш Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё вилояти Бандихон илмий тажриба станциясининг 2,0 гектар майдонга ва “Чинор Бандихон” фермер хўжалигининг 1,8 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 3–июлдаги 05/06–04-305–сон маълумотномаси). Натижада Престиж препарати 3,0 л/га. сарф меъёрларида қўлланилганда биологик самарадорлик 71,6–75,3%, Биослип БВ препаратини 3,0 л/га қўллаганда, биологик самарадорлик 70,5–74,8%, Биослип БТ препаратини 2,0 кг/га қўлланганда эса 71,9–75,8% биологик самарадорликка эришилган.

Сурхондарё вилоятини беҳи боғларида шира ва мевахўр зараркунандаларнинг миқдори кескин ортганда самарали кимёвий воситаларни аниқланган муддат ва меъёрларда қўллаш Термиз тумани “Сурхон Элит” фермер хўжалигининг 2,0 гектар майдонига жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 3–июлдаги 05/06–04-305–сон маълумотномаси). Натижада Танго, 50% с.д.г. (*Pimetrozin*) 0,5 кг/га 91,5%, Карате кадам 5%, эм.к. (*lambda-cyhalothrin*) 0,4 л/га 89,1%, Нурелл микс, 55% эм.к. (*Supermetrin-chlorpyrifos*) 1,0 л/га 90,3% самара берган ва гектаридан ўртача 4,2 т/га қўшимча ҳосил сақлаб қолинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий–амалий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан илмий нашрларда 4 та, жумладан 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда ҳамда 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуман тўпламларида нашр қилинган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари

ҳамда предмет ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Беҳизорларда учрайдиган асосий зараркундаларнинг биоэкологияси ва қарши кураш чоралари (Адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобда мавзу бўйича маҳаллий ва хориж адабиётлари таҳлил қилиниб, беҳи дарахтлари билан озуқа занжирига боғлиқ бўлган зараркундаларнинг хилма-хиллиги, уларнинг қисқача таърифи келтирилган. Беҳизорларга зарар етказувчи зараркундаларнинг аҳамияти, доминант турлари, сонининг табиий бошқарилиши ва агротехник, биологик, кимёвий кураш усуллари ўрин олган. Такмиллашган ҳимоя қилиш тизими ҳақида тушунча берилиб, мавжуд муаммолар мажмуи келтирилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий иқлим шароити ва тажриба ўтказиш услублари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ - иқлим шароитлари, кўп йиллик агрометеорологик маълумотлар, ташқи факторлар ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Диссертация иши тадқиқотлари 2021–2023–йиллар давомида Сурхондарё вилоятида жойлашган беҳи етиштирувчи фермер хўжаликларида ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институтида олиб борилган.

Диссертациянинг **«Беҳи агробиоценозида учрайдиган зараркундалар ва энтомофагларнинг тур-таркиби, биоэкологияси ҳамда зарари»** деб номланган учинчи боби тадқиқот ўтказилган муддатлар мобайнида беҳи дарахтларида учрайдиган зараркундаларни тўплаш ва уларнинг турини аниқлашга бағишланган. Бунинг натижасида Сурхондарё вилояти беҳи боғларида учраган асосий зараркунадаларни систематик жиҳатдан 2 та синф, 4 та туркум ва 7 та оилага мансуб, 10 турдаги асосий зараркундалар учраши аниқланган.

Беҳи боғларида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркибини ўрганиш учун 2021-2023 йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг боғдорчиликка ихтисослашган туманларидаги фермер хўжалиklarининг беҳизорларида кузатувлар олиб борилган.

Агар мевахўрга қарши тизимли кураш чоралари ўтказилмаса 35-40% зарарланиш оқибатида меваларда ҳосил миқдори пасайган. Бунда боғларнинг рентабиллиги қарийиб ярмидан ортиқ қисқариши аниқланган.

Қуртларнинг ғумбакланиши баҳорда, ҳавонинг бир кеча-кундузлик ўртача ҳарорати +10°C дан ошганида, яъни дарахтлар “уйғона” бошлаганида кузатилган. Ғумбакланиш ва капалакларнинг учиши бир ойдан ортиқ давом этган. Март ойининг охирида биринчи капалаклари пайдо бўлган (1-жадвал). Уларнинг ялпи учиши Серҳосил, Изабел беҳи навларининг гуллаши туғаш

рангга киради ва шу ҳолда қишлаб қолди.

Одатда, беҳи дарахтнинг барча навлари ҳам яшил олма шираси билан бир хилда зарарланавермайди. 2021-2023 йиллари ўтказилган маршрут кузатувлари натижалари бундан дарак берди. Энг кўп ва кучли зарарландиган Олмабеҳи ва Самарқанд навларида кузатилди (2-жадвал). Бу кўпроқ вилоятнинг тоғ олди ҳамда тоғли ҳудудларида намоян бўлди. Паст текисликларда эса, фермер хўжаликлари боғларида бир неча марта кимёвий ишлов берилди. Бу эса келгусида зараркунандаларнинг тарқалишини олди олининиши таъминланган.

2-жадвал

Беҳи навларининг яшил олма шираси билан зарарланиши

Дала кузатувлари, Сурхондарё вил. Бандихон тум. "Чинор Бандихон" ф/х 2021-2023 йй.

№	Дарахтларнинг ёши	Дарахтларнинг зарарланиши, %
1.	8	29,0
2.	13	27,3
3.	9	17,1
4.	16	13,2
5.	20	4,0

Бинафша ранг қалқондор (*Parlatoria oleae* Goly) нинг биологияси ва экологияси. Бизнинг кузатувларимизда беҳи боғларида 2021-2023 йилларда беҳи дарахтларнинг (Изабел, Олмабеҳи, Самарқанд навлар) юқори ярусларида бинафша ранг қалқондор билан кучли зарарланганлиги оқибатида новдаларнинг пўстлоғи кўринмайдиган даражага келганлиги аниқланди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бинафша ранг қалқондорнинг ривожланиш хусусиятларини Сурхондарё вилоятининг беҳичилликка ихтисослаштирилган хўжаликлари далаларида ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Термиз филиали лабораторияси шароитларида ўрганилган.

Илмий тажрибаларимиз натижаларига кўра, Сурхондарё вилояти шароитида бинафша ранг қалқондорларнинг қишки диапаузадан чиқиши март ойининг учинчи декадаси бошларига тўғри келди. Бу зараркунанда қишки диапаузадан чиққандан кейин 4-6 кун давомида қўшимча озикланиб, кейин тухум қўйишга киришиши кузатилган.

3-жадвал

Бинафша ранг қалқондорнинг фенологик ривожланиш динамикаси

(Сурхондарё вилояти Термиз тумани 2021-2023 йй.).

Ойлар ва декадалар																																		
III			IV			V			VI			VII			VIII			IX			X													
1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3											
(♀)	(♀)	♀	♀	♀	♀																													
																														
			—	—	—	—	—	—																										
						=	=	=	=																									
Шартли белгилар:												♀♂	♀♂	♀♂																				
. Тухуми													—	—	—	—	—	—	—	—	—								
— биринчи ёш личинка																																		
= иккинчи ёш личинка																																		
♀ урғочи зот, ♂ -эркаги																																		
(♀) қишки диапаузадаги оталанган урғочи зот																											♀♂	♀♂	♀♂	♀	♀	♀	(♀)	(♀)

Сурхондарё вилояти шароитида бинафша ранг қалқондорлар мавсум давомида 2 авлод бериб ривожланиши кузатилган (3-жадвал).

Диссертациянинг “Беҳи боғларида уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда биологик кураш чораларнинг эгаллаган ўрни ва истиқболлари” деб номланган тўртинчи бобида Республикамиз шароитида Беҳи агробиоценозида учрайдиган энтомофагларнинг тур-таркиби ҳамда самарали паразит ва йиртқичлари қисман ўрганилди, лекин уларни алоҳида систематик таҳлил вилоят шароитида олиб борилмаган. Шу мақсадда зараркунандаларнинг зарарлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда энтомофагларнинг самарадорлиги Сурхондарё вилояти беҳи боғлари шароитида йиртқич ва паразит энтомофаг турлари аниқланди.

Тадқиқотларни 2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Сурхон Элит” фермер хўжалигининг 2,0 гектар, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий тадқиқот институтининг Бандихон илмий тақиқот марказининг 2,0 гектар, Бандихон тумани “Бандихон чинори” фермер хўжалигининг 1,8 гектар беҳи боғларида ўтказилган.

Йиғилган маълумотларга кўра ҳисоб қилинганда, паразит энтомофагларнинг йиртқич энтомофагларга нисбатан кўплиги аниқланган.

Hymenoptera туркуми – 25,6 % ни ташкил қилиб, доминант турлар сифатида *Bracon hebetor* Say қайд этилган бўлса, *Coleoptera* 15,2 % ни ташкил қилиб, доминант турлар сифатида *Coccinella septempunctata* Lin. эътироф этилган. Шунингдек, *Diptera* туркуми вакиллари бошқа паразит энтомофагларга нисбатан кам учраб жами энтомофагларнинг 11,8 % ни ташкил этган. Бунга асосий сабаб, ушбу турга оид хўжайин турларининг кўплиги ва бир паразитнинг бир нечта турдаги хўжайинлар билан озикланиши ва иқлим шароитнинг қулайлигидир. *Neuroptera* туркуми – 21,4 % бўлиб, *Chrysopa carnea* Step доминант тур сифатида ҳисобга олинган. Chrysopidae оиласи 19,8% ни ташкил қилиб, доминант тур сифатида *Chrysopa cornea* Steph., *Chrysopa septempunctata* Wesm. *Chrysopa albolineata* Kill. *Homoptera* туркуми умумий паразитларнинг 10 % атрофида учраб қайд қилинди. *Hemiptera* 16 % бўлиб, *Chrysopa carnea* Step доминант тур сифатида рўйхатга олинган.

Йиртқич олтинкўзнинг тухумларини шираларга қарши 1:10 нисбатда қўлланилганда зараркунандалар популяцияси сонининг назоратга нисбатан камайиши ҳисобнинг 3-кунида 36,9 %, 7-куни 46,8 %, 10-куни 56,9% ва 14 куни 60,0 % ни ташкил қилган, кейинги учинчи вариантда олтинкўз тухумларини 1:15 нисбатда қўлланилган вариантда эса зараркунандалар сони энтомофаг чиқарилгандан кейин 3 куни 33,6%, 7-куни 44,9%, 10-куни 53,8% ва 14-куни 55% гача камайиши кузатилган.

Бу тадқиқотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, беҳи боғларида шираларга қарши йиртқич олтинкўзнинг 3-4 кунлик тухумларини 1:5 ва 1:10 (энтомофаг: зараркунанда) нисбатда қўлланилганда ширалар сонини назоратга нисбатан 63,8-60% гача камайириши мумкин. 1:15 нисбатда қўлланилганда эса ширалар сонининг камайиши 53,8-55,0% дан ошмаган.

Сурхондарё вилояти шароитида микробиологик воситаларнинг олма мевахўри микдорини бошқаришдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида

тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқотларни Бандихон тумани Чинор Бандихон ф/х. ва Термиз туманидаги Сурхон Элит ф/х ҳамда Ак.М.Мирзаев номли БУВИТИ Бандихон илмий-тажриба станциясининг боғларида ўтказган. Беҳининг Изабел, Самарқанд, Аромат ва Олма беҳи навлари экилган. Тажриба қуйидаги вариантларда олиб борилган. Мева тугуш даврида микробиологик воситалардан *Bacillus thuringiensis* асосидаги препарат Биослип БТ, кук. 2,0 кг/га., *Beauveria bassiana* ОРВ–09, Биослип БВ. 3,0 л/га., Престиж препарати 3,0 л/га. сарф меъёрларида ўтказилди. Ҳар бир вариант учун 2 га майдонда 15 дона мевали дарахтлар бўйича ўтказилган. Уларнинг тур таркиби ва фенологик календари ривожланиш авлодларидан намуналар йиғиш асосида олиб борилган.

Микробиологик препаратни юқоридаги меъёрда гектарига 1000 л. ишчи суюқликда дарахтларга 15 кун оралатиб икки маротабали ишлов асосида ўтказилган. Тажриба кузатувларига кўра микробиологик препаратлардан *Bacillus thuringiensis* таъсирига эга Биослип БТ, кук. микробиологик препарати гектарига 2,0 кг/га сарф меъёрида қўлланилган вариантимизда ўртача бир тупдаги беҳи дарахтидаги мевалар сони 538,2 донани ташкил этган бўлса, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 103,4 донани ташкил қилган.

Диссертациянинг **“Беҳи боғларида зараркундаларга қарши уйғунлашган химоя қилишда кимёвий ва микробиологик препаратларнинг самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида тадқиқот ўтказилган тажриба майдонларида беҳининг асосий зараркундаларига мавсум давомида бир неча маротаба турли хил препаратлар билан ишлов берилганлиги уларнинг самарадорликлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда олма мевахўри билан зарарланиб тўкилган мевалар сони эса 95,3 донани ташкил этган бўлса, механик шикастланган (шамол, турли касалликлардан) мевалар 9,0 донани ташкил этди. Олинган ҳосилни олма мевахўри билан зарарланишининг назоратга нисбатан камайиши териб олинган ҳосилда 81,6 % ни ва умумий ҳосилда эса 67,8 % ни ташкил қилган.

Кейинги вариантимизда эса *Beauveria bassiana* ОРВ–09, Биослип БВ микробиологик воситани гектарига 3,0 л/га миқдорида қўлланилганда олинган ҳосилни олма мевахўри билан зарарланишининг назоратга нисбатан камайиши териб олинган ҳосилда 74,3% ни ва умумий ҳосилда эса 68,4% ни ташкил қилган. Престиж микробиологик препаратини гектарига 3,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда эса олинган ҳосилни олма мевахўри билан зарарланишининг назоратга нисбатан камайиши териб олинган ҳосилда 76,3% ни ва умумий ҳосилда эса 68,7% ни ташкил қилган. Назорат вариантимизда мавсум бошида ўртача бир тупда дона 562,5 беҳи меваси бўлган бўлса, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 304,3 дона, шундан олма мевахўри билан зарарланган мевалар ўртача 308,7 дона эканлиги аниқланган (4-жадвал).

Беҳининг асосий зараркундалардан химоя қилиш учун Биослип БТ, кук. препарати 2,0 кг/га ва Биослип БВ суюқ 3,0 л/га, Престиж суюқ 3,0 л/га микробиологик препаратларини зараркундаларга қарши синаш бўйича тажрибалар 2023 йилда Бандихон туманидаги “Чинор Бандихон” ф/х беҳи боғида 1,8 га майдонда ўтказилган.

Микробиологик препаратларнинг Беҳи боғларида олма мевахўрига қарши биологик самарадорлиги

(Ак.М.Мирзаев номли БУВИТИ Бандихон илмий-тажриба станцияси 2021-2023 йй.)

Вариантлар рақами	Вариантлар	Препарат сарф миқдори л/га	Бир дарахтдан ҳисобга олинган меванинг ўртача сони, дона			Зарарланган мевалар			Назоратга нисбаган зарарланишнинг камайиши %	
			Тўқилган	Ҳосил		Тўқилгани	Ҳосил		Узилган ҳосилда	Умумий ҳосилда
				Узилгани	Умумий		Узилгани	Умумий		
1	Биослип БТ	2,0	103,4	444,2	538,2	87,9	4,2	82,6	80,9	67,8
2	Биослип БВ, кук.	3,0	115,7	448,2	561,9	95,8	11,2	98,7	74,3	68,4
3	Престиж	3,0	110,2	446,1	554,6	87,3	4,8	95,4	76,3	68,7
4	Назорат	-	304,3	261,2	562,5	308,7	22,1	305,6	-	-

Бунда олма ширасига қарши Биослип БТ, кук. препарати 2,0 кг/га миқдорда сепилиб, унинг биологик самарадорлиги аниқланганда 21 куни 75,8% ни ташкил қилганлиги қайд қилинган.

Биослипнинг иккинчи (суюқ) шакли ишлатилганда ҳам шунга яқин натижалар олинган. Яъни, 3,0 л/га миқдорда синалган вариантда 21 куни 74,8% биологик самарадорликка эришилган. Престиж суюқ шакли билан 3,0 л/га сарф меъёрида ишлов берилганда 21 куни 75,3% биологик самарадорликка эришилган. Андоза вариантыдаги Агроплан Нео 20% с.э.к (0,3 л/га) кимёвий препаратининг биологик самарадорлиги 14 куни 91,3% ни ташкил этган бўлса, 21 куни эса 81,2% ни ташкил қилган (5-жадвал).

Ширага қарши синалган микробиологик препаратларнинг биологик самарадорлиги

(Бандихон тумани “Чинор Бандихон” ф/х 2021-2023 йй.)

№	Препаратлар	Таъсир этувчи моддаси	Дори сарфи, кг, л.га	Самарадорлик, % кунлар бўйича				
				1	3	7	14	21
1.	Биослип БТ, кук	<i>Bacillus thuriengiensis</i> 1.10 ¹¹ коэ/г	2,0	12,4	39,8	48,7	61,4	75,8
2.	Биослип БВ, суюқ	<i>Beaveria bassiana</i> ОРВ-09, 1x10 ⁸	3,0	15,5	50,6	58,7	65,3	74,8
3.	Престиж, суюқ	<i>Bacillus thuringiensis</i> тирик бактериялари	3,0	14,3	48,5	51,2	66,4	75,3
4.	Агроплан Нео 20% с.э.к. (андоза)	<i>Asetamiprid</i>	0,3	76,2	92,3	95,6	91,3	81,2
5.	Назорат (ишлов берилмаган)	-		-	-	-	-	-

Унга кўра *Lambda-cygalothrin* таъсир этувчи моддасига эга Карате кадам 5% к.эм. препарати (0,4 л/га меъёрда), ҳамда андоза сифатида *Emamectin*

benzoate+thiamethoxam таъсирга эга Экстра Микс 25% с.д.г. (0,3 л/га меъёрда) ва *Supermetrin-chlorpyrifos* таъсирга эга Нурелл микс 55% э.к. препаратлари танлаб олинган. Тадқиқот майдонида жинсий феромон тутқичлар ёрдамида олма мевахўри капалаклари ялпи учиш давлари аниқлангандан сўнг, битта тутқичга ўртача 5-6 дона капалаклар тушгандан сўнг, яъни тажриба беҳи гуллаб 86% гул барглари тўкилгандан сўнг 2022 йилнинг 5 майида ўтказилган. тажриба эрта тонгда ҳаво ҳарорати +27 °С, нисбий ҳаво намлиги 56%, шамол тезлиги 1 м/сек. Иккинчи ишлов 12 июнда зараркунанданинг иккинчи авлод капалакаларининг ялпи учиш даври тугагандан сўнг ўтказилди. Унга кўра мавсум сўнгида мевалардан олинган соғлом ҳосилга нисбатан кимёвий воситаларнинг самарадорлиги белгиланган. Олиб борилган тадқиқотларга кўра кимёвий препаратлардан Карате кадам 5% к.э. препарати гектарига 0,4 л/га сарф меъёрида қўлланилган вариантимизда ўртача бир тупдаги беҳи дарахтидаги мевалар сони 525,6 донани ташкил этган бўлса, жумладан мавсум давомида тўкилган мевалар 66,2 донани ташкил қилган. Шундан, олма мевахўри билан зарарланиб тўкилган мевалар сони 16,4 донани ташкил этган бўлса, механик шикастланган (шамол, турли касалликлардан) мевалар 46,6 донани ташкил этган. Олинган ҳосилни олма мевахўри билан зарарланишининг назоратга нисбатан камайиши териб олинган ҳосилда 87,7% ни ва умумий ҳосилда эса 83,9 % ни ташкил қилган.

6-жадвал

Кимёвий препаратларнинг яшил олма ширасига қарши биологик самарадорлиги
(Кичик дала тажрибаси, Термиз тумани Сурхон элит ф/х. 2021-2023 йй.)

Тажриба вариантлари	Преп. сарф микдори, кг/л/га	Ишчи суюкли-гининг конц., %	1 баргдаги ширалар ўртача сони, экз.				Самарадорлик, %, кунларга:		
			Ишлов берилгунча	Ишлов берилгандан кейин, кунларда					
				3	7	14	3	7	14
Танго 50 % с.д.г.	0,5	0,05	85,1	21,6	9,4	9,3	74,8	88,1	91,5
БИ-58 40 % (янги) эм.к. (андоза)	2,0	0,2	96,3	26,7	14,2	10,1	72,5	85,4	89,5
Назорат	-	-	115,0	116,0	116,2	114,6	2,4	1,1	0,7
ЕКФ ₀₅							2,3	2,7	0,5

Кейинги вариантимизда яъни *Supermetrin-chlorpyrifos* таъсирга эга Нурелл микс 55% э.к. кимёвий воситани 1,0 л/га микдорида қўлланилган

вариантларда мавсум бошида ўртача бир тупдаги мевалар сони 610,3 донани ташкил қилган бўлса, шундан жами мавсум давомида тўкилган мевалар 59,0 дона, олма мевахўри билан зарарланганлари сони 18,5 дона, механик шикастланганлари сони 39,5 донани ташкил қилган. Олинган ҳосилни олма мевахўри билан зарарланишининг назоратга нисбатан камайиши териб олинган ҳосилда 88,9 % ни ва умумий ҳосилда эса 84,9 % ни ташкил қилган.

Андоза вариантимида қўлланилган Экстра микс 25% с.д.г. кимёвий воситани 0,3 л/га қўлланилган вариантда эса, мавсум бошида ўртача бир туп дарахтдаги меваларнинг ўртача сони 580,4 дона бўлиб, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 77,7 дона эканлиги кузатилган. Меваларнинг олма мевахўри зарари туфайли тўкилгани 24,9 дона, механик шикастланганлари миқдори эса 52,8 донани ташкил қилган. Олинган ҳосилни олма мевахўри билан зарарланишининг назоратга нисбатан камайиши териб олинган ҳосилда 90,4 % ни ва умумий ҳосилда эса 79,6 % ни ташкил қилган.

Шунинг учун ҳам мевали боғларда ўсимлик шираларига қарши атроф муҳитга салбий таъсири кам бўлган препаратларни қўллаш ва уларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида танго 50 % с.д.г. (0,5 кг/га) ва БИ-58 40% эм.к. (0,2 л/га) кимёвий препаратлар синовдан ўтказилган. Ўсимлик ширалари билан зарарланган дарахтларга кимёвий препаратларни сепиш моторли қўл аппаратида гектарига 1000 литр ишчи суюқлиги сарфлаган ҳолда куннинг иккинчи ярмида ҳаво ҳарорати 25-28⁰С бўлганда ўтказилган. Ҳисоб ишлари препаратларни сепишдан олдин ва кейинги ҳар 3, 7 ва 14-кунлари ўтказилган. Биологик самарадорлик Аббот формуласи бўйича бажарилган.

Диссертациянинг **“Беҳининг асосий зараркунандаларига қарши курашда хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган олтинчи бобида бажарилган тадқиқотларга асосланиб олинган натижалар келтирилган бўлиб, унда беҳининг зараркунандаларига қарши ишлатилган микробиологик ва кимёвий препаратларнинг ҳамда такомиллашган тизимда ҳимоя қилишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги жадваллар асосида ёритилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб Термиз тумани “Сурхон Элит” фермер хўжалигининг 2,0 гектар беҳи боғида фитосанитар мониторинг асосида шира ва олма мевахўри зараркунандаларига қарши уч марта кимёвий усулда кураш тадбири ўтказилган. Ушбу уч марта ишлов берилган боғдаги хўжалик ва иқтисодий самарадорликни ҳисоб-китоб қилинган. Бунда Танго, 50% с.д.г. (*Pimetrozin*) – 0,5 кг/га, Карате кадам 5%, эм.к. (*Lambda-cyhalothrin*) - 0,4 л/га, Нурелл микс, 55% эм.к. (*Supermetrin-chlorpyrifos*) 1,0 л/га сарф меъёрларида ишлов ўтказилган. Якуний ҳисоб-китобга кўра, назорат вариантыдаги боғда ҳосилдорлик 76,3 ц/гани, тажриба вариантыдаги далада эса 116,5 ц/гани ташкил қилган. Яъни, беҳини асосий заракунандалардан ҳимоя қилиш эвазига ҳар гектардан 40,2 ц/га қўшимча ҳосил сақлаб қолиниб, ҳимоя қилиш учун сарфланган харажат 12,7 марта ўзини оқлаган.

Ишланма Термиз тумани “Сурхон Элит” фермер хўжалигининг 2 гектар беҳи боғида беҳининг асосий зараркунандаларига қарши кураш бўйича жорий қилинган.

“Чинор Бандихон” фермер хўжалигининг 1,8 гектар беҳи боғида барча

агротехник тадбирлар ўз муддат ва меъёрларида ўтказилган ва жорий қилинган. Беҳи боғида шира ва олма мевахўри зарари жуда юқори бўлган.

7-жадвал

Беҳида асосий зараркунандаларга қарши курашишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги (2021-2023 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Назорат (дорисиз)	Микробиологик препарат Биослип БВ Биослип БТ	Микробиологик препарат престиж	Кимёвий препарат
1.	Ҳосилдорлик, ц/га	76,3	108,7	110,4	116,5
2.	Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га	-	32,4	34,1	40,2
3.	1 гектарга сарфланган дори миқдори	-	1- 3,0 л/га 2- 2,0 кг/га	1-3,0 л/га 2-3,0 л/га 3-3,0 л/га	1- 0,5 кг/га 2- 0,4 л/га 3-1,0 л/га
4.	1 гектарга дори учун сарфланган маблағ	-	480 000	720 000	475 000
5.	Ишлов ҳақи, сўм/га	-	200 000	300 000	300 000
6.	Ҳимоя учун жами харажат, сўм/га	-	680 000	1 020 000	775 000
7.	Кўшимча ҳосилни йиғиб топш. ҳақи, сўм/га	-	324 000	341 000	402 000
8.	Ҳимоя тадбири ва кўшимча ҳосилни йиғиб топшириш учун кетган жами харажат, сўм/га	-	1 004 000	1 361 000	1 177 000
9.	Ишлаб чиқариш харажатлари, сўм/га	10 610 000	10 610 000	10 610 000	10 610 000
10.	Умумий харажатлар, сўм/га	10 610 000	11 614 000	11 971 000	11 787 000
11.	1 центнер беҳи нархи, сўм	400 000	400 000	400 000	400 000
12.	Кўшимча ҳосилнинг нархи, сўм	-	12 960 000	13 640 000	16 080 000
13.	1 гектардан олинган беҳи нархи, сўм	30 520 000	43 480 000	44 160 000	46 600 000
14.	Шартли соф даромад, сўм/га	19 910 000	31 813 000	32 189 000	34 813 000
15.	Назоратга нисбатан олинган фойда, сўм/га	-	11 956 000	12 279 000	14 903 000
16.	Ҳимояга сарфланган 1 сўмни оқланиши, марта	-	11,9	9,0	12,7
17.	Ҳимоя қилиш усулининг фойдалилиги, %	-	1190	900,0	1270

Эслатма: 1 кг беҳи нархи – 4 000 сўм.

Унга қарши биологик усулда курашишга эҳтиёж туғилди. Шу сабабли, шира ва олма мевахўрига қарши 3 марта ишлов берилган даладаги хўжалик ва иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоб қилинган. Бунда Престиж препарати билан (*Bacillus thuringiensis* тирик бактериялари) – 3,0 л/га сарф меъёрида ишлов ўтказилган. Якуний ҳисоб-китобга кўра, назорат вариантыдаги боғда ҳосилдорлик 76,3 ц/гани, тажриба вариантыдаги далада эса 110,4 ц/гани ташкил қилган. Яъни, шира ва олма мевахўридан ҳимоя қилиш эвазига ҳар гектардан 34,1 ц/га кўшимча ҳосил олинган.

Ҳимоя қилиш эвазига гектаридан 12 279 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилиб, ҳимоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўм 9,0 марта ўзини оқлаган. Беҳи боғида беҳини асосий зараркунандаларига қарши уч марта биологик усулда кураш тадбири ўтказилган. Бунда беҳизорларга Биослип БВ (*Beauveria bassiana* ОРВ-09) – 3,0 л/га, Биослип БТ (*Bacillus thuringiensis*) - 2,0 кг/га сарф меъёрларида ишлов берилди. Якуний ҳисоб-китобга кўра, назорат вариантыдаги далада ҳосилдорлик 76,3 ц/гани, тажриба вариантыдаги далада эса 108,7 ц/гани ташкил қилган. Яъни, шира ва олма мевахўридан ҳимоя қилиш эвазига ҳар гектардан 32,4 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Ҳимоя қилиш эвазига гектаридан 11 956 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилиб, ҳимоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўм 11,9 марта ўзини оқлаган (7-жадвал).

ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарё вилояти беҳи боғларида заракунандаларнинг 2 та синф, 4 та туркум ва 7 та оилага мансуб 9 тури учраган. Бу зараркунандаларнинг орасида олма мевахўри, ширалар, калифорния қалқондори, ўргимчаккана асосий доминант тур сифатида аниқланди.

2. Кимёвий препаратлар ўсимликхўр каналарнинг сонини камайтириши билан бирга уларнинг табиий кушандаларини ҳам нобуд қилади. Бунда ўргимчаккана популяцияларининг ишловдан кейин тикланиши энтомофаглардан тезроқ амалга ошган. Канахўр кушандалар табиатан каналар сонини хўжалик учун безарар даражага олиб кела олмаганлиги маълум бўлди.

3. Сурхондарё вилояти шароитида бинафша ранг қалқондорларнинг биоэкологиясини ўрганиш мақсадида фитомониторинг кузатув ишлари олиб борилганда мавсумда икки авлод бериб кўпайиши аниқланди.

4. Сурхондарё вилояти шароитида мевали боғларида 6 туркумга оид 9 оилага мансуб 15 турдаги фойдали кушандалар учраши аниқланди.

5. Олма мевахўрига қарши *Trichogramma chilonis* қўлланилганда биологик самарадорлик биринчи авлод учун 54,1% ни, иккинчи авлод учун 45,4% учинчи авлод учун эса 35,8% ни ташкил этганлиги аниқланди.

6. Беҳи боғларида асосий зараркунандаларга қарши инсектицид ҳамда акарицидлар қўлланилганда 32,4 ц/га дан 40,2 ц/га гача ҳосил сақлаб қолинди. Сарфланган ҳар бир сўм эса ўзини 9,0-12,7 мартагача оқлади. Ўсимликларни ҳимоя қилишда 1270% гача рентабелликка эришилган

7. Сурхондарё вилояти шароитида мевахўрлар 2021-2023 йилларда 60,7% беҳи дарахтининг тана ёриқлари қисмида, 22,5% дарахт танаси атрофидаги 1 м радиус тупроқда, 19,3% беҳизордаги турли бегона ўтлар қолдиқларида қишлаб қолиши аниқланди.

8. Сурхондарё вилоятининг беҳизорларида зараркунандаларга қарши курашда микробиологик препаратлардан Престиж биопрепарати 71,6-75,3%, Биослип БВ 70,5-74,8%, Биослип БТ 71,9-75,8% биологик самара берганлиги аниқланди.

9. Беҳи боғларида шираларга қарши йиртқич олтинқўзнинг 3–4 кунлик тухумларини 1:5 ва 1:10 (энтомофаг: зараркунанда) нисбатда қўлланилганда ширалар сонини назоратга нисбатан 63,8–60% гача камайтириши аниқланди.

10. Сурхондарё вилояти шароитида беҳи боғларида зараркунандаларга қарши курашда микробиопрепаратлардан Престиж 3,0 л/га, Биослип БВ 3,0 л/га, Биослип БТ 2,0 к/га белгиланган меъёрларда қўллаш, кимёвий воситалардан танго, 50% с.д.г.– 0,5 кг/га., карате кадам 5% эм.к.– 0,4 л/га., нурелл микс, 55% эм.к. 1,0 л/га. сарф меъёрларида қўллаш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАНТИНА И
ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ**

САФАРОВ МУРТОЗА АБСАЛОМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ БОРЬБЫ ПРОТИВ ОСНОВНЫХ
ВРЕДИТЕЛЕЙ АЙВЫ НА ОСНОВЕ ИЗУЧЕНИЯ ИХ БИОЭКОЛОГИИ В
УСЛОВИЯХ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.09-Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) сельскохозяйственных наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером Б2022.4. PhD/Qx 1035.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте карантина и защиты растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.psuyaiti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZioNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Шукуров Хушвакт Мамасалиевич**,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Торениязов Елмурат Шерниязович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Рахмонова Мадина Кимсанбоевна
доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD),
доцент

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
лесного хозяйства

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «_____» _____ 2024 года в _____ часов на заседании разового Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. НИИССАВХ, Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: rahtaуз@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована заномером _____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. НИИССАВХ, Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан “_____” _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки номер _____ от “_____” _____ года).

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Увеличение численности населения в мире приводит к дальнейшему росту спроса на продукты питания и сырье. В связи этим на сегодняшний день становится актуальной проблемой, непрерывное обеспечение спроса на сельскохозяйственные продукты, обеспечение продовольственной безопасности на основе современных технологий защиты растений от вредителей при выращивании качественной плодоовощной продукции, а также необходимость поиска альтернативных технологий, не оказывающих негативного влияния на окружающую среду. Глобальные изменения окружающей среды в мире на сегодняшний день приводит к дальнейшему расширению масштабов влияния различных вредителей на сельскохозяйственные культуры. «Негативное влияние вредителей в мировом сельском хозяйстве оценивается в 1,4 триллиона долларов, что составляет 5% глобального валового внутреннего продукта». По данным ФАО в мире ежегодно получают около 696 тысяча тонны урожая айвы, из них 77,48% в Азии, 5,14% в Европе, 6,6% в Америке и 10,59% площадь айвы занимает 77 тысяч гектар. По объему производства Турция занимает первое место (189 тысяч тонн), после неё Китай (112 тысяч тонн), Узбекистан (96 тысяч тонн) и Иран (87 тысяч тонн), Марокко, Аргентина, Азербайджан, Ливан, Сербия¹. Урожайность айвы составляет 110-350 ц/га, с каждого дерева получают 35-90 кг урожая.

Широкомасштабные научные исследования проводятся в ведущих высших учебных заведениях и научных центрах мира по изучению биоэкологии вредителей, ареалы распространения, сроки причинения вреда и степени вредности вредителей, причиняемых фруктовым садам, разработке критерий размера экологической опасности (КРЭО), проводить испытания агротехнических, химических, биологических и микробиологических мер борьбы против вредителей.

На международной конференции 28 января 2023 года на тему “Важные задачи по осуществлению продовольственной программы в Узбекистане” отмечено, редкость почвенно-климатических условий Узбекистана, в стране солнечные дни в году составляют в среднем 320 дней, последовательный обмен четырех времени года имеющих благоприятных возможности для возделывания высококачественных основных сортов фруктовых и овощных культур и создание продовольственной базы. При выращивании айвовых садов возникают ряд проблем, что снижает качество и объём урожая. Под влиянием вредителей наблюдается уменьшения урожайности айвовых садов в среднем на 25-30%, на сегодняшний день айва выращенная в нашей стране экспортируется в такие страны, как Беларусь, Казакстан, Киргизистан, в Объединенные Арабские Эмираты, Россия, Туркменистан, Чехия.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит для

¹ FAO. The state of food and agriculture climate change, agriculture and food security. Rome. 2016 Bigenc.ru/c/aiva-2020

выполнения задач поставленных на заседании законодательной палаты Верховного Совета Республики Узбекистан “Яшил макон” от 25 ноября 2021 года за №-1563- IV «проведение эффективного парламентского контроля над выполнением назначенных задач в рамках общенациональной программы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этом направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы.

